

SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL OF  
«SCIENTIFIC PROGRESS»

ISSN: 2181-1601

The 21<sup>st</sup> Century Skills for  
Professional Activity




Google  
Scholar



CYBERLENINKA

Proceedings of the 2<sup>nd</sup> International  
Scientific-Practical Distance  
Conference



2021, FEBRUARY 15



[www.scientificprogress.uz](http://www.scientificprogress.uz)

UZBEKISTAN

## НАРКОТИК ВОСИТА ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ КОНТРАБАНДА ЖИНОЯТИ ЮЗАСИДАН СҮРОҚ ҚИЛИШ ТАКТИКАСИ

Ибрагимов Мансур Ортиқмашрабович  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси мустақил  
тадқиқотчиси

**Аннотация:** Ушбу мақола наркотик восита ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабандада жинояти юзасидан сўроқ қилишнинг тактик ва психологик жиҳатларига бағишиланган. Сўроқ қилиш тактикасини ўзига хос бўлган хусусиятлари ёритилган. Айниқса, гувоҳлар онгидаги жамланган жиноят ҳодисаси, унинг ҳолатлари ва айрим элементлари ҳақидаги вербаль маълумотлар ҳажмига кўра, улар алоҳида гуруҳларга ажратилиб, сўроқ предмети белгиланган.

**Калит сўзлар:** жиноят, контрабанда, наркотик воситалар, божхона, давлат чегараси, гумон қилинувчи, айбланувчи, сўроқ қилиш, далиллар тўплаб, исботлаш предмети.

Сўроқ қилиш содир этилган жиноятлар ҳақида далилий маълумотлар олишнинг энг муҳим ва мураккаб процессуал усулларидан биридир. Криминалистик адабиётларда, олимларнинг яратган айрим илмий асарларида сўроқ қилишнинг тактикаси, тури ва психологик жиҳати кенг тадқиқ этилган<sup>1</sup>. Шунинг учун наркотик восита ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабандада жинояти юзасидан сўроқ қилишнинг юқорида таъкидлаб ўтилган жиҳатлари бошқа тоифадаги ишлар бўйича сўроқ қилишдан айтарли фарқ қилмайди. Айнан шу ўхшашликларни назарда тутган ҳолда биз, сўроқ қилиш тактикаси ва психологик жиҳатларини умумэътироф этилган муаммолари билан боғлиқ масалаларига тақороран тухталмасдан ва уларни чуқурлаштирасдан сўроқ қилиниши лозим бўлган шахслар доирасини ва унинг предметини аниқлашга киришамиз

Наркотик восита ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабандада ҳодисаси, унинг айрим ҳолатлари ва белгисининг элементларига таалукли маълумотларни ўз хотирасига бевосита ёки билвосита сингдирган ва уларни адекват тарзда тергов идораларига оғзаки усулда етказиб бериш имконига эга бўлган шахслар сўроқ қилинувчи субъектлар ҳисобланадилар. Биз тадқиқ этаётган жиноят юзасидан сўроқ қилиш субъектлари, процессуал ҳолатларига кўра, гувоҳ, гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида жиноят ишига жалб этилганларга бўлинадилар. **Гувоҳлар** – хотирасида мужассамланган наркотик

<sup>1</sup> Қаранг: Адмедшин Р.Л. Тактика коммуникативных следственных действий. Томск, 2014. С. 12; Волочина Е.В. Психология допроса подозреваемых и обвиняемых // Форум. Серия: Гуманитарные и экономические науки. 2015. № 1. С. 264. Гончаренко В.И., Сокирян Ф.М. Психологические воздействия в целях получения объективной информации при допросе // Криминалистика и судебная экспертиза.- Вып.41.- 1990.-С. 24-28;

воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабанда ҳақидаги маълумотларнинг тури ва ҳажмига кўра – ўз навбатида, бир неча гурухларга ажратиладилар.

*Биринчи гуруҳга жиноятни содир этиш пайтида гумон қилинувчиларнинг ушланганидан бевосита огоҳ бўлган шахслар киради.* Бу тоифадаги гувоҳларнинг аксарияти куръерни ушлаш жараёнида холис сифатида жалб этилган иштирокчилардан иборат. Бундай шахслар гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганларида қуйидаги ҳолатлар аниқланади:

- гувоҳларнинг гумон қилинувчи шахсларга муносабати (нотаниш, таниши, яқин қариндоши, хизматдоши ва ҳоказо);
- гумон қилинувчи шахслар қандай ҳолатда ушлангани;
- гумон қилинувчи шахсларнинг ўз ушланиш фактига муносабати;
- гумон қилинувчи шахсни ушлаш жараёнида унга нисбатан гувоҳ қандай ҳолатда (ёни, орқаси ёки олдида) турганлиги;

Тергов вазияти тақазо этганида, Ўз.Рес.ЖПКсининг 221-моддасига асосан куръерни бевосита ушлаган божхона маскани, чегара қўшинлари хизматчилари ва тезкор-қидирав ходимлари ушбу юридик факт юзасидан сўроқ қилинишлари мумкин.

*Иккинчи гуруҳга гумон қилинувчилар томонидан контрабанда предмети бўлган наркотик восита ва психотроп моддаларни олиш каналларини тасдиқловчи гувоҳлар киради.* Уларни сўроқ қилиш орқали қуйидаги маълумотлар олинади:

- контрабанда предметини олиш вақти ва жойи (ҳолати);
- жиноят содир этган шахслар (лақаби билан бирга), улар билан гувоҳ ўртасидаги муносабат;
- наркотик воситалар ва психотроп моддаларни олишда иштирок этган шахслар ва уларнинг ҳар бирининг жиноий фаолиятдаги ўрни;
- контрабанда предметларининг номи ва ҳажми;
- контрабанда предмети жойлаштирилган ўрамлар ёки яширилган хуфия жойлар;
- контрабанда предмети сақланадиган жойларнинг ҳолати;

Юзага келган тезкор вазиятни ва гувоҳ хавфсизлигини таъминлашни хисобга олган ҳолда, унинг ушбу факт юзасидан берган аризаси ва кўрсатувининг сўроқ баённомаси хатжилдга (конвертга) жойлаштирилиб, мухрланган тарзда жиноят ишига бириктирилади.

*Учинчи гуруҳга куръерлар томонидан ноқонуний ташилган наркотик воситаларнинг ва бошқа шахсларнинг бу жиноятга алоқадорлигини тасдиқловчи фактлар ҳақида маълумот берувчи гувоҳлар киради.* Уларни сўроқ қилиш жараёнида қуйидаги ҳолатлар аниқланади:

- бу турдаги жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларга гувоҳларнинг муносабати;
- жиноятни содир этиш ҳолатлари (вақти, жойи);

- жиноят содир этишда фойдаланилган транспорт воситаларининг турлари, уларнинг қайси қисмларига наркотиклар жойлаштирилгани;
- наркотик воситаларни ташишга мослаштирилган хуфия жойларнинг кўриниши;
- ташилаётган наркотик воситаларнинг тури, ҳажми, ўрамлари;
- наркотик воситаларнинг қаердан олингани ва уларни қайси манзилга жўнатиш мўлжаллангани;
- бу жиноятни содир этишда қатнашган бошқа шахслар ва уларнинг ҳар бирининг ўрни (роли);
- бу жиноят ҳодисасидан огоҳ бўлган бошқа шахслар ва уларнинг гумон қилинувчи шахсларга муносабати.

*Тўртинчи гурӯхга* гумон қилинувчи шахснинг у билан бирга яшайдиган яқин қариндош-уруглари ва қўни-қўшнилари киради. Бу тоифадаги гувоҳларни сўроқ қилиш орқали қуйидаги ҳолатларни аниқлаш мумкин:

- унинг қариндошлиқ муносабати;
- оиласдаги хулқ-атвори;
- ҳаёт тарзи;
- наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабандани содир этиши ёки бу жиноятга алоқаси;
- ундаги физиологик ва психологик (ранги-рўйидаги, кайфиятидаги) ўзгаришлар;
- айтарли сабабсиз турли эҳтиёжларнинг юзага келиши;
- меҳнатсиз катта даромадга эга бўлиши;
- ҳашаматли бинолар қуриш, хаддан ташқари дабдабали тадбирлар ўтказиш;
- гумон қилинувчи шахс атрофида жиноят олами обрўманларининг пайдо бўлиши;
- бошқа шаҳар, вилоят ва мамлакатларга бориб туриши, у ердаги танишбилишлари, агар билса, уларнинг исми-шарифи ва яшаш манзили.

Жиноят ишидаги мавжуд фактик маълумотларга кўра гувоҳларни сўроқ қилиш мазмуни ўзгариши ёки қўшимча саволлар билан тўлдирилиши мумкин.

Тергов амалиёти натижаларига кўра, наркотик воситалар ва психотроп моддаларни контрабанда йўли билан ўтказишида жиноят устида қўлга олинган гумон қилинувчи шахсларнинг аксариятини куръерлар ташкил этади.

Гумон қилинувчи шахсларни, айниқса куръерни сўроқ қилиш орқали наркотик воситалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабанданинг дастлабки тергов ва суд терговида исботланувчи ҳолатлари, унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланишига эришилади. Чунки бундай шахслар содир этилган контрабанда ҳолатлари ҳакида дастлабки терговнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан батафсилроқ тасаввурга эга бўладилар. Сўнгра содир этган жиноят ҳолатлари бўйича тўғри кўрсатув бериш

унга фойдалироқ эканига инонтирилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, курьер жиноий гуруҳ ёки уюшма аъзоларини ошкор этмасдан, балки барча жиноий қилмишларни ўз зиммасида қолдиришга ҳаракат қиласидар. Бундай вазиятда муаммо тактик жиҳатдан тезкор қидириув тадбирларини амалга ошириш орқали ҳал этилади. Терговнинг дастлабки босқичида юзага келган ушбу вазият, контрабандани содир этишда иштирок этган шахсларнинг барчасини аниқлаш билан боғлиқ бўлган ўта мураккаб вазифани терговчи ва тезкор қидириув ходимлари олдига кўндаланг қилиб кўяди. Бу вазифани бажаришда икки хизмат ходимлари ҳамкорликда ҳаракат қилишлари зарур. Ваҳоланки, дастлабки босқичдаги ҳамкорликнинг предмети жиноят субъектлари ҳақидаги маълумотларнинг ўзаро алмашуви кўринишида бўлиши керак.

Курьерлар орасидан жиноий гуруҳ ёки уюшмага янги аъзо бўлганларини, бошқа иштирокчиларнинг хатти-харакатидан норозиларини ва мухолафатчиларини аниқлаш уларни сўроқ қилишда асосий омиллардан бири ҳисобланади, чунки терговчи бундай шахслар билан тезда руҳий алоқа ўрнатади. У курсорларни тўғри кўрсатув бериш учун оғдиришга, жиноят ишидаги далилларни унга тақдим этиш ва у иккинчи даражали иштирокчи эканлигини маълум қилиш орқали эришади.

Курьерларни сўроқ қилишда қуйидаги масалаларнинг батафсил ёритилиши юқорида таъкидлаб ўтилган контрабанда ҳодисаси ва унинг бошқа ҳолатларини исботлашга имкон беради. Масалан, наркотик восита ва психотроп моддаларни контрабанда йўли билан ўтказиш жиноятини содир этишнинг асосий ҳолатлари ҳамда кўзланган мақсад, контрабанда предметини қаердан ва кимдан олганлиги, унинг тури ва ҳажми, ўрамлари, уни ўтказиш усули, хуфия жойларнинг олдиндан тайёрланиши ва уларни тайёрлаган шахслар, ушбу контрабанданинг бошқа иштирокчилари ва ҳар бирининг вазифалари, наркотиклар етказиладиган охирги манзил ва уларни қабул қилиб оловчи шахслар, ўтказишдан олинадиган фойда ва жиноий гуруҳ ёки уюшма аъзоларининг ундаги улуши ана шулар жумласидандир.

Хуроса ўрнида айтиш мумкункий агарда курьер содир этилган жиноятнинг қолган иштирокчилари ҳақида кўрсатув беришдан бош тортса, уларни аниқлаш учун наркотикларнинг яширилган жойлари ва уларнинг ўрамларини кўздан кечириш жараёнида топилган излар ёки бошқа обьектлар бўйича эксперт-криминалистик тадқиқот ўтказилади. Терговчи қабул қилган шундай тактик қарор, контрабанданинг иштирокчилари ҳақида далилий аҳамиятга эга маълумот бериши билан бирга, юқорида таъкидлаб ўтилган сўроқнинг аниқ мазмунини белгилайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.

3. Копилов И.А. Следственная ситуация и тактическое решение.-Волгоград, 1988.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига шархлар. Тошкент: Адолат, 2000.
5. Методика расследования отдельных видов и групп преступлений. Учебное пособие /Зеленский В.Д. (и др.), Краснодар: Куб ГАУ, 2013.
6. Адмедшин Р.Л. Тактика коммуникативных следственных действий. Томск, 2014.С. 12;
7. Волочина Е.В. Психология допроса подозреваемых и обвиняемых // Форум.Серия: Гуманитарные и экономические науки.2015.№ 1.С.264.

---

**Muxammadiyev G'ayrat Baxodir o'g'li, Ishqurbanova Dilshoda Xolboy qizi**  
Zamonaviy xalqaro turizm va iqtisodiy rivojlanishning global prognozi (pp. 112-114)

**Расулова Зулфия Холмуротовна, Чориева Шарофат Тураевна**

Изучение рассказа М.Горького “Старуха изергиль” с применением графических организаторов анализа, сравнения и сопоставления (pp. 115-119)

**Ибрагимов Мансур Ортиқмашрабович**

Наркотик восита ва психотроп моддалар билан боғлиқ контрабанда жинояти юзасидан сўроқ қилиш тактикаси (pp. 120-124)

**Мирзахидова Озода Мирабдуллаевна, Эргашев Бехзод Юсупович**

Инновационная технология использования дронов в современном строительстве (pp. 125-128)

**Qadamov Javohir**

Ezop masallari – ibratga eltuvchi qo'llanma (pp. 129-130)

**Ibrohimov Shehroz Abdurahmonovich, Abdualiev Elyorbek Begaliyevich**

Development of Tonal Transition Technology in Rock, Soft and Loose Grits (pp. 131-133)

**Рахим Худойбердиев, Т.Аннаев**

IX-XIII асрларда Термиз ва Чаганиённинг сирланган кулолчилиги (pp. 134-135)

**Xo'jayev Yusuf Xidirovich**

Yo'lning qatnov qismida transport vositalarining joylashuvi (pp. 136-138)

**Abdullayev Bexzod Burxonjon o'g'li, Xaliljonov Botirjon Qodirjon o'g'li**

Ishlab chiqrishda energiyadan tejamkorlik bilan foydalinish usullari (pp. 139-140)

**Avezova Makhbuba, Burkhanova Munisa**

Improving Water-Efficient Irrigation: Prospects and Difficulties of Innovative Practices (pp. 141-143)

**Қодиров Ҳусниддин Рўзибоевич**

Шимолий Ғарбий Бақтрияниг Кушон подшолиги товар-пул муносабатлари (pp. 144-146)

**Burkhanova Munisa, Kholmatova Khusnora**

Early Warning Thresholds for Multi-Temporal Agricultural Products (pp. 147-149)

**Maxamadjonov Shuxrat Shavkatovich, Mirxanova Mavjudha Mixayilovna**

Prospects for the Introduction of Profile Grinding of Rails in the Track Economy (pp. 150-151)

**Мўминов Улуғбек Бобоқул ўғли**

Муомала маданияти ва унинг асосий шакллари (pp. 152-154)

**Mutalipova Diloromxon Baxtiyorjon qizi, Amonova Sevara Otabekovna**

Lavanda o'simligining kimyoviy tarkibi va undan olinadigan esfir moyining xalq xo'jaligidagi ahamiyati (pp. 155-156)

**Mutalipova Diloromxon Baxtiyorjon qizi, Istamova Sitora Ramazon qizi**

Valeriana o'simligining kimyoviy tarkibi va uning amaliy ahamiyati (pp. 157-158)